
“ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАНАСИ ИҚТИСОДИЁТ БЎЛСА, УНИНГ ЖОНИ ВА РУҲИ МАЪНАВИЯТДИР” – ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ БУВАЙДАДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ СОҲАЛАР ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Бувайда туманидаги янги ташкил этилган Манавият ва маърифат маскани ва туман Ахборот-кутубхона маркази фаолияти билан танишди.

Манавият ва маърифат маскани қошида ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳи аъзолари вилоят ҳокимига ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бердилар. Вилоят ҳокими марказ қошидаги адабиёт, мусиқа ва бошқа тўғараклар фаолиятини ҳам кўздан кечирди.

Бувайда тумани Ахборот-кутубхона марказининг китоб фонди 64 мингга яқин бўлиб, сўнгги бир йил ичида марказ фойдаланувчилари сони 6 минг нафардан 14,5 минг нафарга етди. Вилоят раҳбари бу ердаги Анвар Обиджон ҳаёти ва асарларига бағишланган бўлимда ёш китобсеварлар билан суҳбатлашди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-03 18:06:52